

Мен учун мана бу қария яхшироқ



08:00 / 16.10.2020 2687

Муслим ибн Субайҳ Куфий айтади: «Отам шундай ҳикоя қиладилар: «Муғийра ибн Шўъба ва бир араб йигит бир аёлга совчи юборишибди. Йигит келишган, кўркам эди. Аёл иккисига ҳам мактуб йўллаб, «Кўриб гаплашмагунча жавоб айтмайман. Хоҳласангиз, келинглар» деди. Улар боришди. Аёл уларни ўзи кўрадиган, гаплашадиган жойга ўтқазди. Муғийранинг кўриниши, гавдаси ва ёшини кўриб, унча хушламади. Муғийра ҳам аёлга ёқмаганини пайқади. Бир оз ўтиргач, Муғийра йигитга: «Сизга чиройли кўриниш, чиройли сўзлаш неъматлари берилган экан, яна қандай фазилатингиз бор?» деб сўради. Йигит яна бир неча яхшиликлари борлигини айтди. Муғийра унга: «Оилада ҳисоб-китобни қандай қиласиз?» деди. У: «Қўлимга бирон нарса тушса, эҳтиёт қиламан. Заррача нарсани ҳам туйиб (янчиб), ун оламан», деди. Муғийра: «Мен эса ҳамённи уйнинг бурчагига ташлаб қўяман. Уйдагилар хоҳлаганча ишлатаверади. Мендан сўрамагунларича унинг тугаганини билмайман», деди. Шунда аёл: «Аллоҳга қасамки, ишлатилган ҳар бир майда-чуйда нарсани сўрайдиган, бир дона уруғни ҳам янчиб ун оладиган бу зиқнадан кўра рўзғор ишларига кўп бурнини суқавермайдиган мана бу қария мен учун яхшироқ», деди ва Муғийрага турмушга чиқди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан